O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 23-iyul ● Shanba ● 89 (27.424) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

РАВОН ЙЎЛЛАР ЮРТ КЎРКИ

Автомобиль йўллари мамлакатимиз транспорти ҳаракати тизимида муҳим ўрин тутади. Айниқса, Истиқлолга эришганимиздан сўнг янги-янги йўллар барпо этиш ва таъмирлаш ишлари авж олди. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, йўлсозлар амалга оширган жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик юмушларига гувоҳ бўласиз.

«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниясининг Фарғона вилояти йўл қурилиш ҳудудий шўъбаси — «Фарғонаавтойўл» жамоаси ҳам бу борада кенг кўламли ишларга қўл урган. Йўлсозлар, шу кунларда Тошкент шаҳри билан Фарғона водийсини туташтирувчи Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Камчиқ давонида бажарилаётган қурилиш юмушларида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ташкилот тасарруфида 16 та туман автомобиль йўллари бошқармаси ва 2 та автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш ташкилоти мавжуд. Ўтган олти ой давомида бу ерда режадаги 73 километр ўрнига 87,4 километр йўл таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шарафига, — дейди йўл қурилиш ҳудудий шўъбаси ишчиси Даврон Эгамбердиев. — Фарғона автомобиль халқа йўлининг 244-251-километрлари оралиғида 4,5 километр узунликда қоплама ётқизиш ва икки жойда янги кўприк қуриш ишлари олиб борилмоқда. Уларни бажариш учун 1 миллиард 322 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган...

Суратларда: асфальт ётқизувчи машинист Ғуломжон Раззоқов иш устида; йўлларни таъмирлаш ва кўприк қуриш жараёнларидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон ХДП янгиликлари

ФАОЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

АМАЛИЙ ИШЛАРГИНА ПАРТИЯНИНГ МАВҚЕИНИ ОШИРАДИ, ДЕЙИЛДИ ХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА

Андижон вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, масъул ходимлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган вилоят партия фаоллари йиғилиши янгиланиш талабларига монандлиги билан қизғин ўтди. Халқ демократик партиясининг V қурултойи ҳамда партия Марказий Кенгашининг III пленуми якунлари ва партиянинг янги Дастурида ифодаланган мақсадларни амалга оширишда партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар ҳақида Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши раиси Набижон МАЪМУРОВ маъруза қилди.

— Янгиланиш жараёни ҳар биримиздан шижоат кўрсатиб ишлашни тақозо этяпти. Муаммолар ечимини излаш, сидқидилдан бажарилган иш натижасида одамлар бизга ишонч билан эргашади, — деди маърузачи. — Андижон воқеалари... Ўша кунларда партиядошларимиз Юртбошимиз маслаҳатлари асосида якдил ҳаракат қилдилар. Улар маҳаллаларда, ташкилот, корхона, ўқув юрти ва турли муассасаларда бўлиб, кўпчиликнинг олдида чиқишлар қилиб, вазиятнинг холис, тўғри баҳоланишини таъминлашга ҳисса қўшдилар.

Давр талаблари ўзгаряпти. Энди ўй-режаларимиз, мақсадистакларимиз ҳам, бажараётган ишимиз ҳам янгича тарзда бўлиши керак. Айтиш бошқа, уни амалга ошириш бошқа. Қачонки, сўз ва иш бирлигига эришсак, элнинг ишончига чинакамига сазовор бўламиз.

— Ишсизлик муаммосини ечиш йўлларини излаяпмиз, — деди музокарада сўзга чиққан ЎзХДП Бўз тумани кенгаши раиси Асатулло Қодиров. — Бу масалада изчил таҳлиллар ўтказяпмиз.

— Партиянинг янги Дастурида илғор қарашлар, янги мақсад ва вазифалар илгари сурилган, — дея ўз мулоҳазаларини баён этди ЎзХДП Пахтаобод тумани кенгаши раиси Ҳаётилло Саидов. — Янгиланиш ўзгача куч-қувват бермоқда. Партиядошларимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини, муаммоларини ўрганяптилар. Кам таъминланган оилаларга ажратилган маблағларнинг эгаларига вақтида етиб бораётганини назорат қилиш мутасаддиларни сергак торттирди.

Мақсадлар рўёбга чиқиши учун бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини партия V қурултойи белгилаган даражада кучайтириш асосий ишларимиздан бири ҳисобланади. Асосий ўзак — бошланғич партия ташкилоти мўрт эмас, мустаҳкам бўлиши керак.

ЎзХДП Избоскан тумани кенгаши раиси Қумрихон Хўжаева куюнчаклик билан фикр юритди:

— Амалий ишларга ўтилса партиянинг мавқеи ортади. V қурултойда кўтарилган масалаларни пухта идрок этиб, вазифаларни аниқ белгилаб, ғайрат билан ишлаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Сўл партия эканлигимизни сўзда эмас, амалда тўлиқ исботлашга эришайлик.

Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисод, ижтимоий масалалар мажмуи котибияти мудири Назиржон Саидов ҳам партия фаолиятига тааллуқли жўяли фикрлар билдирди. У янгиланиш масъулияти барчани жўшқинликка ундаётганини таъкидлади. ЎзХДП вилоят кенгаши кенг қамровда ибратли ишларни амалга оширишига умид билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов иштирок этиб, партия олдида турган долзарб ва устувор вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилиш якунида бир гуруҳ ёшларга партия аъзолик билетлари топширилди.

Анжумандан сўнг ЎзХДП туман ва шаҳар кенгашлари раислари учун амалий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АСОСИЙ ВАЗИФА — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

ШИРКАТЛАР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШСИЗ ҚОЛГАН ШИРКАТ АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ЭТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ КЕРАК, ДЕЙИЛДИ ХДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА

— Партиямиз ўзининг асосий ижтимоий таянчи дея аҳолининг кам таъминланган, даромади паст, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини белгилаши халқимизда ХДПга бўлган ишончни мустаҳкамлади, — деди Учқўприк туманидаги мусиқа мактаби ўқитувчиси Умидахон Болтабоева. — Масалан, мен ўзим 15 йилдан буён мусиқа мактабида таълим бераман. Ёш авлодга мусиқа сирларини ўргатаман. Аммо, бир масалада кўнглим хижил: маълумки, ўқитувчиларга электр энергияси, табиий газдан фойдаланиш тўловларида баъзи бир имтиёзлар берилган. Лекин мен санъат олийгоҳини тугатганим учун кўп йиллик педагоглик стажим борлиги, бир неча марта педагогик малака ошириш курсларида тахсил олганимга қарамай, бу имтиёзлар менга жорий этилмаяпти. Чунки, вазирликнинг кўрсатмасига мувофиқ, имтиёзлар фақат педагогика олийгоҳларини тугатган ўқитувчиларгагина татбиқ этиларкан. Мен каби ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган юзлаб, минглаб кишилар хизматини камситиш эмасми, бу?!

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов ўқитувчининг саволига жавоб берар экан, айрим идоралар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларида шундай ҳолларни кузатиш мумкинлиги, бундай ҳужжатлар реал ҳолатларда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси принциплари бузилишига сабаб бўлаётганлиги, партиямизнинг мана шундай нуқсон ва камчиликларни тугатиш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳақидаги айтган фикрларини йиғилганлар қониқиш билан тингладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи, ХДП Марказий Кенгашининг III пленуми якунлари ҳамда партиямизнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастурини бажаришда Фарғона вилоят партия ташкилотларининг вазифалари юзасидан ўтказилган партия фаоллари йиғилишида бозор иқтисодиёти шароитида халқнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий масалаларга беписанд қараётган, қонунларга оғишмай амал қилиш ўрнига турли бюрократик «йўриқнома»лар асосида идоравий манфаатларнигина кўзлаб ишлаётган маҳаллий ҳокимият органлари ишини назорат қилиш, бу борадаги нуқсонларни бартараф этиш каби мавзуларда очиқ-ошкора фикр юритилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами кўрсатиш.

3. Ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб;

Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бошқармалари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда агентлик минтақавий бошқармаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланадилар.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши тугатилсин.

Тугатилаётган кенгашларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3151-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 21 июль

ЎзХДП: партия билетини алмаштиришдан мақсад нима?

ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШДА ЙЎҚОТИШЛАР БЎЛАДИ...МИ?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойида партиянинг ички ҳаётида ҳам ислоҳотлар ўтказиш, баъзи ўзгаришларни амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди ва бу ҳақда тегишли қарорлар қабул қилинди. Улардан бири Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва аъзолик билетларини алмаштириш тўғрисидаги қарордир. Бу муҳим ҳужжат бўйича партиямиз аъзолари ва фаоллари томонидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Муҳаббат МУСАБЕКОВА, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг Хоразм филиали ходими, бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Партиямиз ҳаётида шундай даврлар бўлдики, ўшанда партия аъзоларининг сонини ўстиришга алоҳида эътибор қаратдигу, лекин унинг сафига қабул қилинаётганларнинг билимига, салоҳиятига, дунёқарашига, партиямиз ғояларини қўллаб-қувватлашига аҳамият бермадик. Энди шу хатоларни тузатиш вақти келди.

Сўнгги сайловларда гувоҳ бўлдикки, айримлар бир ухлаб туриб, ўзи узоқ йиллар аъзо бўлган, унинг мафкурасини, сиёсий йўлини қўллаб келган партиядан воз кечиб, бошқа партияга ўтиб кетишди. Бундайлар бугун ҳам сафларимизда йўқ, деб айта олмаймиз.

Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида уларнинг ҳар бири билан яқиндан мулоқотда бўлиб, партиямиз ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, қабул қилинган муҳим ҳужжатлар билан таништирамиз, фикр-мулоҳазаларини ўрганамиз. Тўғри, ушбу жараёнда айрим партия аъзоларимиздан воз кечишга тўғри келар, сафларимиз камаяр. Лекин биз бундан асло чўчимаслигимиз керак. «Кураш қурбонсиз бўлмайди» деганларидай, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш йўқотишларсиз бўлмайди.

Шу ўринда партия аъзолик ҳужжатларини тайёрлаш бўйича айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Партияга аъзолик билетини қўлга олган киши Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларида эканлигидан ғурурланиши, партия билетини ифтихор билан бошқаларга кўрсата олиши керак. Бунинг учун эса партия билетининг сифатига алоҳида эътибор қаратмоғимиз зарур. Ҳозирда амалда бўлган партия билети икки варақда бўлиб, унга аъзолик бадаллари тўланганлиги тўғрисида белги қўйиб бўлмайди. Бу юмуш пайтида биз партия аъзоси билан яқиндан мулоқотда бўлиб, уни қийнаётган масалалар бўйича фикрлашиб олардик.

Партия аъзосига аъзолик билети билан партиянинг кўкрак нишони ҳам топширилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Турдиқул ШОДМОНОВ, Чироқчи тумани «Кўқдала» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

— Қарорнинг ижросини таъминлаш натижасида сафимизда партия Дастури ва Низомига эътиқодли, садоқатли аъзоларнинг қолишига ишонаман. Баъзилар ўзларининг ЎзХДП аъзоси эканлигини унутиб қўйишмоқда. Ҳатто, айримлар бошқа сиёсий партияларга хайрихоҳлик билдирмоқда. Бундай шохдан-шохга учиб-қўниб юрадиган қатъиятсиз аъзолардан партия сафини тозалаш пайти келди.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари туфайли кўпгина партиядошларимиз иш ахтариб, бошқа жойларга кетишган. Ҳозир қишлоқларда истиқомат қилувчи партиядошларимиз ҳудудий партия ташкилотлари ёки муқобил МТП бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида турибди. Баъзилари (фермер хўжаликларга аъзо бўлмаганлари) партия ташкилоти фаолиятида иштирок этмаяптилар.

ЎзХДПнинг V қурултойида қабул қилинган қарор, албатта, бундай муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлайди ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг ўз фаолиятини тубдан ўзгартириб, масъулият билан ишлашини талаб қилади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Иқтисод ва ислоҳот

АУДИТОР — ҚОНУНИЙЛИК ҲИМОЯЧИСИ

ҲОЗИР МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА АУДИТОРЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА? ТИЗИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ БОРМИ?

ёхуд «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунимиз ўз такомилидами?

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиб борган сари турли мулкчилик шаклларига ва фаолият хусусиятига асосланган корхоналар сони ошиб бормоқда. Бироқ бундай янги шаклдаги корхоналар ўз фаолият якунларини ҳисоботларда акс эттиришда маълум қийинчиликларга учрамоқдалар. Бугунги кунда корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, хўжаликда ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилишини таъминлаш, уларни яхшилаш борасида хўжалик субъектларига маслаҳатлар бериш ва йўл-йўриқлар кўрсатиш, фаолият кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини ўзлаштириш сингари қатор жараёнларда уларга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган фаолият тури – аудиторлик фаолиятидир.

Аудиторлик фаолиятининг асосий вазифаси — корхона молия-хўжалик фаолиятини ўзида акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоби тизими, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиб, уларнинг қонунийлигини тасдиқлашдан иборат. Аудиторларнинг хўжалик субъектларига берадиган хулосалари қонун ва миллий стандартлар талабларига мос келиши, аудиторлик хизматлари улар фаолиятини яхшилашнинг ички ва ташқи омиллари ва резерврларини аниқлаш бўйича маслаҳатлар беришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳисоб тизими ва назорат ишларининг халқаро амалиётга интеграциялашувини таъминлаш мақсадида бозор муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратиш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, унда кечадиган жараёнлар кўламини янада кенгайтириш, аудиторлик билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш ва уларнинг юқори касб маҳоратига эга бўлишларини таъминлаш мақсадида 2000 йил 26 майда янги таҳрирда **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон **«Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»**ги қарорида аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, аудиторлик хулосаларини солиқ органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби ва мажбурий аудиторлик текширувидан ўтмаган хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш қоидалари белгиланиб, ҳозирги кунда ушбу фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича 19 та миллий стандарт ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан мазкур қонуннинг амалдаги ижросини назорат-таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда республикамизда аудиторлик фаолиятини олиб боришда, мавжуд Қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилишда қатор камчиликлар ва ечилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Мавжуд амалий материалларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада 570 та аудиторлик ташкилотлари мавжуд бўлиб, улардан 422 таси ёки 74,0 фоизи очиқ турдаги масъулияти чекланган жамият, 28 таси ёки 4,9 фоизи ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, 120 таси ёки 21,1 фоизи хусусий фирма шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Устав капиталининг миқдори бўйича 5 млн.сўмга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони 391 тани ёки 68,6 фоизни, 5 млн. сўмдан ортиқ маблағга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони 175 тани ёки 30,7 фоизни ҳамда хорижий валютада устав капиталига эга бўлган ташкилотлар атиги 4 тани ёки 0,7 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга республикада халқаро аудиторлик ташкилотлари «Эрнест энд Янг», «КПМЖ», «Прайсвотерхаус Куперс», «Делоит энд Туш» кабиларнинг шўъбалари фаолият олиб бормоқда.

Республика бўйича 2005 йил январь ҳолатига лицензия олган аудиторлик ташкилотларидан 246 таси, яъни 43,2 фоизи Тошкент шаҳрида ва 17 таси ёки 2,9 фоизи Навоий вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Фақатгина Тошкент шаҳридаги аудиторлик ташкилотларида аудиторлик сертификатига эга бўлган 874 та ёки республикада мавжуд аудиторларнинг 22,3 фоизи фаолиятларини олиб боришмоқда.

Биз мазкур мақолада аудиторлик фаолиятининг ижобий томонларини ёритишдан кўра бу соҳада амалиётда мавжуд баъзи камчиликлар тўғрисида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз, зеро, уларни ўз вақтида англаб, бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш мамлакатда иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида биз олиб бораётган сиёсатнинг асосий талабларидан биридир.

Аудитор, корхонанинг молиявий ҳолатига ҳар томонлама объектив баҳо бера оладиган, унинг фаолиятида мавжуд салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш бўйича билим ва қобилиятга, аудитор малака сертификатига эга мутахассис бўлиши лозим.

Лекин амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина аудиторлик ташкилотларида фаолият олиб бораётган аудиторлар қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни жуда саёз биладилар. Уларнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш бўйича кўникмалари, сифатсиз аудиторлик текширувини ўтказганлиги учун аудиторлик ташкилоти олдида жавобгарлиги билан боғлиқ масъулияти паст даражада.

Бироқ фаолияти ўрганиб чиқилган аудиторлик ташкилотларининг барчаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтганлиги ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензиялари борлиги, фаолият олиб бораётган барча аудиторларга малака сертификатлари берилганлиги, улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Аудиторлар палатаси томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида ўқув марказларида малака ошириш курсларида ўқиб малакали аудитор сифатида сертификат олганликлари аниқланди.

Қонунда аудиторлик ташкилотининг назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши кераклиги кўрсатилган бўлса-да, бир неча йилдан буён фаолият кўрсатишига қарамасдан, баъзи аудиторлик ташкилотларининг устав капитали ҳали тўлиқ шакллантирилмаган ҳоллари мавжуд. Шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик аудиторлик ташкилотлари устав капитали юқори нархларда баҳоланган эски мебель, стол, стул, компьютер ва бошқа буюмлар билан жиҳозлантирилиб, ўз устав капиталини сунъий равишда оширганлар, баъзи аудиторлик ташкилотлари ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полисига эга бўлмасдан аудиторлик ишларини олиб бормоқдалар. Бу эса мутасадди ташкилотлар томонидан субъектларга лицензия берилганидан кейин устав фондининг тўлдирилиши, таркиби ва унинг ҳолати устидан назорат қилинмаганлигидан, уларнинг фаолияти билан қизиқмаганликдан далолат беради.

Кўп ҳолларда аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви сифатсиз ўтказилганлиги ёки лозим даражада ўтказилмаганлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ёки аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарарни ҳамда бой берилган фойдани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши билан боғлиқ жавобгарликни тўлиқ ўз зиммаларига олмаганлар.

Ундан ташқари аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик субъектининг молиявий ҳолатига берилган хулосалар билан солиқ кўмиталари томонидан берилган баҳо ўртасида номувофиқлик ҳолатлари мавжуд, аммо Қонуннинг 8-моддасига зид равишда хўжалик юритувчи субъектлар ушбу жарималарни аудиторлик ташкилотларидан ундириб олмаган.

Мижозлар томонидан салбий хулосадан кўра ижобий хулоса тўсиқларсиз қабул қилиниши, салбий хулоса учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик ҳолатларининг учраши сабабли аудиторлар Қонуннинг айрим моддалари ва аудиторлик этикаси талабларига риоя қилмасдан барча текширувлар учун аксарият ҳолларда фақат ижобий хулоса бериш билан чекланган.

Баъзи вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ўз корхоналарини аудитдан ўтказиш учун ҳеч қандай тендер амалиётини жорий қилмасдан ёки уларни номигагина ўтказиб, қатор йиллар давомида бир аудиторлик ташкилотини танлаш ҳоллари мавжуд ёки аввалги назорат-тафтиш бошқармалари номларини ўзгартириб, аудиторлик ташкилоти сифатида лизенция олиб, рисоладагидек силлиқ аудит хулосасини бермоқдалар.

Аудиторлик ташкилоти ва унда фаолият олиб бораётган аудиторлар ушбу миллий стандартга эга бўлиши, уларни билиши, уларнинг ҳар бири тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим. Амалда эса айрим аудиторлар қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тўғрисида билимга эга эмаслиги, миллий стандарт ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларини амалиётда қўллай олмаслиги ҳамда улар томонидан ихтиёрий шаклда хулосалар бериш ҳоллари мавжудлиги, аксарият ҳолларда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботида текширув бўйича камчиликлар акс эттирилмаётганлиги, келтирилганларида ҳам уларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилмаётганлиги, ҳозирги кунда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган миллий стандартларнинг бажарилиши учун жавобгарлик масъулиятини бирор-бир мутасадди ташкилот ўз зиммасига олмаганлиги маълум бўлди.

Аудиторлар берган хулосаларнинг кейинги мониторингини юритиш механизми мавжуд эмас. Ҳаттоки, молия-солиқ органлари томонидан ҳам аудиторлик текширувларига бефарқ қаралмоқда, аудиторларнинг берган хулосалари бўйича қалтисликни қоплаш йўллари, жавобгарлик принциплари, молиявий аҳволи бўйича субъектга ижобий хулоса берилгандан кейин бу корхонанинг аҳволи ёмонлашиб, у банкротликка юз тутган ҳолларда ижобий хулоса берган аудиторлик ташкилотига чоралар кўриш ҳолатлари амалиётда қўлланилмаётир. Баъзи ташкилотларга берилган лицензия бекор қилинганлигига қарамасдан улар фаолият кўрсатиб, хўжалик субъектларига аудиторлик хулосаларини беришни давом эттираётган ҳолларни учратиш мумкин.

Юқорида аниқланган камчиликларнинг сабаби шундаки, республика ҳудудида мавжуд бўлган барча аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилувчи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, миллий стандартларга риоя этиш, халқаро аудит талабларини жорий қилиш соҳасида фаолият олиб борувчи, аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлигини холисона талаб қилувчи ва мамлакат миқёсида аудиторлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона органнинг белгиланмаганлиги аудиторлик хизматлари бозорининг кенг кўламда ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Аудиторлар палатаси каби жамоат ташкилотлари мавжудлигига қарамасдан, улар аудиторлик ташкилотларининг фаолияти юқоридаги вазифаларни бажара олмаяптилар ва фақат аудиторларни тайёрлаш курсларини ўтказиш, ҳар хил нашриёт ишларини амалга ошириш билан шуғулланмоқдалар, холос.

Аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида иккита аудитордан иборат бўлса, у аудиторлик ташкилоти сифатида фаолият юритиши мумкинлиги кўрсатилганлиги сабабли амалиётда уларнинг сони жуда кўпайиб кетган ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш, аудиторлик ташкилотлари ўртасида рақобат, аудиторлик хизматлари бозорида юқори мавқега эга бўлишга интилишнинг йўқлигига ҳам сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилиш, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш ва унинг замонавий талабларининг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг шаффофлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон ХДП янгиликлари

АСОСИЙ ВАЗИФА — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, вилоятда муаммолар ҳам оз эмас. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг ривожланиши самарадорлик ошишига олиб келди. Айни пайтда медалнинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни, ширкатларда мавжуд бўлган кўплаб иш ўринларини қисқартириш қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги муаммосини келтириб чиқарди. Фаоллар йиғилишида бир факт келтирилди: Ҳозирги пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган ҳар етти нафар ишсиздан биттаси Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келади. Катта йўллар ёқаларида вужудга келган «Мардикор бозорлари», уларда иш кутиб ўтирган аёллар ва ўсмирларнинг тақдири аслида бизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

— Депутатлигим боис одамлар ишсизлик хусусида менга тез-тез мурожаат қилиб туришади. Иш билан таъминлашда ҳам адолатсизликлар учрайди. Масалан, айрим мактабларда мансабдор, бадавлат одамларнинг қариндош-уруғи бўлган кишилар ишлаб юрган пайтда яқиндагина қўлига диплом олган ёш мутахассислар ишсиз... Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП гуруҳи аъзоси сифатида бу борада адолатни тиклаш учун ҳаракат қилдим, — деди сўзга чиққан Охунбобоев туманидаги «Олимбой ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Абдуманноб Қосимов.

— Фермер хўжаликларининг кўпайиши ижобий жараён, — деди Ўзбекистон ХДП Ёзёвон туман кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Раҳмонов. — Аммо, тугатилган ширкат хўжаликларида мавжуд бўлган мулкларда ширкат аъзоларининг ҳаққи бор эди-ку! Уларнинг умумий мулкдаги улушлари тўлови қандай қопланади? Менимча, худди шу жараён механизми ишлаб чиқилмаган. Иккинчидан, бўшаб қолган ширкат аъзоларини иш билан таъминлашнинг қонуний асосларини яратиш долзарб бўлиб турибди...

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқовнинг маърузасида, йиғилишда сўзга чиққан партия фаолларининг нутқларида ҳам юқоридаги муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари масаласи ўртага ташланди. Фаоллар йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов ўз нутқида мамлакатдаги барча партияларнинг мақсад ва интилишлари аслида муштарак, яъни ҳаммамизнинг пировард мақсадимиз Она-Ўзбекистонни тинчликтотувлик, фаровонлик ҳукм сураётган, иқтисодий бақувват, илм-фан, маданият гуллаб яшнаган давлатга айлантириш эканлигини таъкидлади. Айни пайтда у бу мақсадларга эришиш усулларидаги фарқлар партиямиз Дастурида аниқ кўрсатилганлиги, эндиликда, партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, фаолларимиз Дастурни бажариш юзасидан амалий ишларни жадаллаштиришлари зарурлигини уқтирди.

Фаоллар йиғилишидан сўнг ички партиявий ишларни мувофиқлаштиришга оид амалий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашида Урганч шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» мавзуида ўтказилган тадбирда иштирокчилар фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этиш, маҳаллаларда ЎзХДП ташкилотлари фаоллигини ошириш хусусида фикрлашдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар ХДПнинг бўлиб ўтган V қурултойи ва партия Марказий Кенгашининг III пленуми якунлари, уларда кўтарилган масалалар, Ўзбекистон ХДП янги Дастури ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қабул қилинган Ҳаракат дастури тўғрисида атрофлича тўхталдилар. Фуқаролар йиғинлари раислари жойларда ишларни ташкил этишда учраётган баъзи тўсиқлар, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш масалалари бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мазкур вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров Гурлан туманида бир гуруҳ партия фаоллари билан учрашди. Унда партиянинг V қурултойида қабул қилинган ЎзХДП янги Дастури ва партия Марказий Кенгаши III пленуми якунлари ҳақида сўз борди. Учрашув давомида партия фаоллари томонидан бир қанча таклиф-истаклар билдирилди. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, тумандаги 5-мактаб директори А.Маҳмудова мактабларда эркак ўқитувчиларнинг камлиги, бу ҳам ўқувчиларнинг билимига маълум маънода таъсир кўрсатаётганлигини айтди. Бунинг олдини олиш чораларини кўриш, мактабдаги ходимларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Фурқат тумани Маданият уйида бўлиб ўтган «Аёл ҳуқуқи инсон ҳуқуқи» мавзуидаги «давра суҳбати»да туман партия кенгаши ҳам фаол иштирок этди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Алихўжаева, ЎзХДП Фурқат туман кенгаши раиси И.Низомов ва бошқалар сўзга чиқиб, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида тиббий маданиятни, ҳуқуқий саводхонликни ошириш масалалари хусусида гапирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ТИЛЛАР ФЕСТИВАЛИДА БИРИНЧИ

Тўрткўл туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли «Бойчечак» болалар боғчасида 280 нафар бола тарбияланмоқда. Санаторий типидаги ушбу тарбия масканида 6 нафар олий ва 28 нафар ўрта махсус маълумотга эга тарбиячилар меҳнат қилмоқда. Улар орасида Қорақалпоғистон бўйича «Йилнинг энг аъло тарбиячиси» кўрик-танлови ғолиби Ойдин Болтаева ҳам бор. Ана шу фидойи жамоанинг саъй-ҳаракатлари эвазига боғчанинг мактабга тайёрлаш гуруҳи яқинда ўтказилган «Тиллар фестивали»да Қорақалпоғистонда биринчи ўринни эгаллади.

✧✧✧

Суратларда: *услубчи Муҳаббат Бобожонова тарбиячилар Мавлуда Жуманиёзова ва Гулойим Болтаева билан; Тўрткўл туманидаги 1-сонли «Бойчечак» болалар боғчаси катта гуруҳ тарбиячиси Гулора Юлдашева болалар билан миллий буюмлар бурчагида.*

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбек феъли

«БОҒУ БЎСТОН»ДАГИ ЯНГИ БОҒ

Носир ҳожи Тўрақулов пурвиқор Ҳисор тоғ тизмалари бағридаги адирликларга 5 йилда 100 минг тупга яқин мевали дарахт экиб, «Боғу бўстон» бунёд этди

Сариосиёлик бу отахон ўзининг ишбилармон, тадбиркор, саховатпеша, ташаббускорлиги билан обрў-эътибор топган инсонлардан. У кишини шифокорлар — тиббий маскан бунёд этган яратувчи, ўқитувчилар — маърифатпарвар ҳомий, ўқувчилар — мактаб қурган отахон, бўлғуси тадбиркорлар — устоз, кўпчилик — уста боғбон, маҳалладошлар — маслаҳатгўй, Сурхон воҳасининг ёшу-қариси «Президент боғи»га асос солган ҳожи бобо, деб билишади. «Тоқчиён»ликларнинг яхши-ёмон кунига ярайдиган ҳам шу киши.

...Хонадонга кираверишдаги сўритоклар диққатимизни тортди. Чамаси 100 метрлар келадиган «Тоифи» узумлар шиғил ҳосил берган. Тепага назар ташласангиз, гўё улар бир ўлчамда экилган дарахтлардек кўринади.

— Саккиз-тўққиз йил бурун қишлоғимизга қувур келтиришди — дейди хонадон соҳиби Носир ота. — Барини сотиб олдим. Йўлакчанинг икки томонига ўрнатдик-да «Тоифи» экдик. Худога шукр, болам, баракасини бераяпти. Бурноғи йили узумнинг ўзидан 1 миллион 300 минг сўм даромад қилувдик. Ўтган йили эса 2,5 миллиондан ошди. Ҳамма нарса қаровига боғлиқ... Дов-дарахт, паррандаю-дарранда, замин... Ҳаммасига меҳр керак...

Ҳовли саҳнидаги олмаларнинг шохлари ерга тегай дейди. Ҳосили бирам мўлки, кўз қамашади: хурмо, ўрик, ёнғоқ, шотут меваларига ҳавас қиласиз. Атиргул, чиннигул, райҳон ҳидлари димоғни қитиқлайди. Ҳисортоғ этакларидан сизиб келаётган бир ариқ зилол сувдан баҳра оласиз. Очиқ ҳаво — адирда ҳарорат 40-42 даража иссиқ бўлса, хонадондаги термометр +27 ни кўрсатиб турибди.

— «Боғу бўстон» фермер хўжалигининг ташкил этилиши қизиқ бўлувди — дейди **бош ҳисобчи Абдужалил Бўриев**. — Ҳожи бобо ўзгалардек сувли майдонни эмас, қакраб ётган адир, тиканлар босган қирни танлади... Рости, ўшанда кўпчилик кулди. Чиндан ҳам денгиз сатҳидан 3000-3200 метр баландлик — Ҳисор тоғ тизмалари бағрида боғ бўлишини ким хаёлига келтирибди, дейсиз...

— Гаштига мутасаддилар рўйхўшлик беришмади, — давом этади отахоннинг ўзи. — «Сиз тушунинг, оқ тупроқ — лалмида боғ бўлмайди», — дейишди. Исбот қиламан деб туриб олдим... Ҳовли этагида жарлик бўларди. 1993 йилнинг эрта баҳорида уни текисладимда, иккита ўра қазидим. Эни, бўйи, чуқурлиги баробар — 1 метрга 1 метр. Уларга 70-80 сантиметр ҳосилдор тупроқ солинди. Томирлари суюқ лойда турган шотутларни экдик. Ёзнинг чилласида ҳам бир қултум сув берилмади. Яна мутасаддиларга учрашдим... Ишонч ҳосил қилишди. 21 гектар ер беришди.

Чайир, суяги меҳнатда қотган Носир ота 1999 йилгача 200 гектар адирликда олма боғлари бунёд этди. Кимгадир — 10, яна бировга — 15, бошқасига — 20 гектар... дан ер берилди. Фермер хўжаликлари ташкил этишда бош-қош бўлди. Ишлайман, яратаман, деган оловқалб йигитлар устозига айланқўллаб-қувватлашди. Боғда олма, анор, хурмо, ёнғоқ, узумзор, ҳатто Эрон пистаси ҳам мавжуд. Турфа гулларни айтмайсизми...

— Эрон пистасини қаердан олдингиз? — сўраймиз.

Отахон қўлидаги чойдан бир ҳўплаганча суҳбатни давом эттирди.

— 1996 йил Ҳаж зиёратига бордим. Қайтишда Эронда уловимиз бузилиб қолди. У тузалгунча 200 дона писта уруғи сотиб олдим. Экувдим, бари униб чиқди. Ундан 1,5 гектарли боғ яратдим. Ўн йилда ҳосил бераркан. Ҳозир бозорларда яхши пистанинг килоси 4-5 минг сўм. Энди, хомчўт қилиб олаверинг: бир дарахт 20-25 ди. — Бир гектар майдонга ўрта ҳисобда 256 туп ниҳол экилса, 1999 йилгача 100 мингга яқин дарахт ўтқазибмиз, болам — дейди нуроний хурсандчилигини яширолмай. — Бу — йилига 20 мингтадан тўғри келади. Уни яхши ниятда «Президент боғи» деб атадик. Шогирдларим ҳам кило мева берса — бу 4-5 тонна писта дегани. Демак, — 1,5 гектарли пистазордан бир йилдаёқ яп-янги «Нексия» сотиб олса бўлади.

— Носир ота менга кўп нарсаларни ўргатди — дейди **«Носиробод фермер хўжалиги раҳбари Аликул Ашуров.** — Уч йил «Боғу бўстон» хўжалигида меҳнат қилдим. Ҳозир мустақил фаолият юритаяпман. Ўн нафар ишчимиз бор. Даромад яхши. Ўтган йилларда ҳожибобо «Оқпочак», «Зарчоп» ва бошқа фермер хўжаликларининг ташкил топишида ҳам бош бўлдилар. Тасарруфимиздаги 19 гектар олмазору ўрикзордан умидимиз катта...

...77 ёшли Носир ота Тўрақулов «Тоқчиён» элига 1997 йилда мўъжазгина амбулатория қуриб берди. 1998 йилда 120 ўринли мактаб бунёд этди. 1999 йилда эса «Президент боғи»ни яратди. Маҳалладаги 9- ва 69-умумий ўрта таълим мактабларига ҳомийлик қилди: стадион, ошхона, кутубхона қурилишлари — барида бобонинг ҳиссаси бор. Яшнаб турган боғни сайр этган киши қалби қайноқ отахоннинг заҳматли меҳнатлари натижаларини кўриб, меҳнат қилган кам бўлмаслиги, меҳнат таги роҳатлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ИФОДАСИ

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАСИДА БИРГИНА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА 1430 НАФАР ШАХС «СУДЛАНГАН» ДЕГАН ТАМҒАДАН САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Мамлакат обрў-эътибори инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нечоғли риоя этилаётганлигига қараб белгиланади. Бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларига хизмат қиладиган, унинг хоҳиш иродасини ўзида ифодалайдиган давлатгина чинакамига қудратга, халқаро нуфузга эришади. Зеро, 14 йилдан буён мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида рўй бераётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам инсон ва унинг манфаатларини олий даражага кўтариш ва эъзозлашга қаратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига тўла мос келувчи, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилувчи қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Мамлакатимизда замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шакланмоқда. Президентимиз томонидан ўтган чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида таъкидланганидек, суд бугунги кунда аввалгидек коммунистик тузумнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда кўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланиб бораяпти.

Агар биз мустақилликка эришганимиздан сўнг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ривожини кузатадиган бўлсак, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти янги босқичининг бошланғич нуқтаси, шубҳасиз, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлди. Ушбу сессияда республика парламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа депутатлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва қабул қилинди.

Бу қонунни шубҳасиз, тарихий ҳужжат, деб аташ мумкин. Чунки у орқали амалдаги қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари инсонпарварлик ғоялари асосида чуқур ислоҳ қилинганлигидан далолат беради.

Ушбу қонун асосида ЖКнинг 15-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилганлиги боис жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш чиқариб ташланди. Ўлим жазоси фақатгина тўртта моддада (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми — қасддан одам ўлдириш, 151-модда 2-қисми — агрессия, 153-модда — геноцид, 155-модда 3-қисми — терроризм) назарда тутилган жиноятлар учунгина қолдирилган эди. Кейинчалик яна иккита моддадан (ЖКнинг 151-модда 2-қисми — агрессия, 153-модда — геноцид) бу жазо чиқариб ташланди. Вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабатлар белгиланди.

Иқтисодий жиноятлар натижасида етказилган зарарлар қопланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш киритилган ҳолда янги яратилган ҳамда тергов ва қамоқда сақлаб туриш муддатларининг қисқартирилганлигидан барчамизнинг хабаримиз бор.

Ушбу Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Сўзимнинг исботи учун жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди статистикасидан бир нечта рақамларни келтирмоқчиман. Ушбу қонун кучга киргандан сўнг вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига ЖКнинг 167-моддаси билан айбланган 970 нафар шахсга нисбатан 509 та жиноят иши судларда кўрилиши давомида 1 миллиард 426 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар қоплатилди. Натижада, судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Худди шунингдек, фирибгарлик жиноятини содир этган 28 нафар шахс томонидан 32 миллион 794 минг сўмдан ортиқ, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятини содир қилган 10 нафар шахс томонидан 12 миллион 402 минг сўмдан ортиқ моддий зарарлар суд тергови давомида қопланганлиги сабабли, судланувчиларга нисбатан қонунда назарда тутилган енгиллик берилди.

Жиноят қонунчилигида яратилган институт жорий этилганидан сўнг шу кунга қадар жиноят ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан 1430 нафар шахсга нисбатан 1310 та жиноят иши тарафлар ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди. Яъни, ярашувга асосан ҳаракатдан тугатилган жиноят ишларининг сони 2003 йилга нисбатан 25,4 фоизга, шахслар сони эса 25,6 фоизга ошган. Бунинг энг аҳамиятли томони шундаки, биргина Сурхондарё вилояти бўйича ярашув институти самараси ўлароқ судлар томонидан 1430 нафар шахс «судланган» деган тамғадан сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги биринчи қўшма мажлисида Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг изчил давоми ҳисобланади. Президентимиз ўз маърузасида соҳада амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар экан, бу борада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Бу муаммоларни ҳал этиш, элга мадад бериш учун ҳаммамиз катта масъулият ва талабчанлик, ҳалоллик билан ишлашимиз лозим. Зеро, инсон ҳуқуқини ҳимоялаш тўхтаб қоладиган жараён эмас. У муттасил такомиллашиб борадиган эзгу ишдир.

Раҳимқул ТОШБОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси

Замондошларимиз

МЎЪЖИЗА ПОМИДОР «МУАЛЛИФИ»

ЁХУД ХАЛҚ СЕЛЕКЦИЯЧИСИ КАРИМ ЮСУПОВ ЯРАТГАН ЯНГИ НАВ ҲАҚИДА



Тошкент шаҳар марказидан «Фарғона йўли» орқали Қўйлиққа бориб, шаҳар ҳалқа йўлига бурилсангиз, бир оз юрилгач, сўл томонда Чирчиқ дарёси ёқалаб кетган йўл бошланади. Бу йўл Зангиота туманининг Хонобод қишлоғига олиб боради.

Хонободда қадимдан деҳқончилик илмининг «пир»лари ҳисобланган, ажойиб қовун-тарвузлару, сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг устаси бўлган миришкор деҳқонлар яшайди. Қишлоқдаги кексалар, айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда кўргазмаларнинг кўрки бўлган, киши зўрға аравага ортган моки тарвузлар ва 2-3 яшар боланинг бўйидек келадиган қовунларни етиштиргани, ҳар гектаридан 50-55 центнердан пахта ҳосили олган ҳамқишлоқлари меҳнати ҳақида завқ-шавқ билан гапиришади.

Ҳа, илгари хонободликлар дала неъматига қараб, у қайси бригадада, ким томонидан етиштирилганлигини дарров билишарди: «бу Икром аканинг тарвузи», «Мана бу Муҳаммадюсуф аканинг бригадаси даласида битган ананас», «Бу Асомиддин ака етиштирган ҳандалак»... Чунки, ўша пайтларда қишлоқда деҳқонлар уруғликни бозордан олишмас эди, ўзлари етиштиришарди. Далада меҳнат қилишни ҳам ўрнига қўйишарди. Шу боисдан ҳам экинлари ҳамиша серҳосил, хирмонлари баракали бўларди.

Хонободдан меҳнати эл-юртда эътироф этилган, тақдирланган деҳқонлар анчагина чиққан. Шулардан бири — халқ селекциячиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Карим Юсупов.

...Ўзбекистонда бозорларнинг кўрки бўлган «Юсупов» помидорини билмаган одам бўлмаса керак. Хонободлик Карим Юсупов ана шу помидорнинг ихтирочиси. Яқинда биз ёши 90 дан ошган, уруш ва меҳнат фахрийси бу табаррук инсон хонадонида бўлдик.

— Ота-боболарим деҳқон ўтишган, — дейди ота, — эсимни таниганимдан буён далада — меҳнат қучоғида бўлдим. Болалик ва ўсмирлик йилларим миришкор деҳқонлар орасида ўтди, кейин Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Аграр университет)га кириб ўқидим. Уни битиргач, Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманида агрономлик қилдим. Сўнгра уруш бошланди. Тўрт йил умрим жанггоҳларда ўтиб, бир неча марта яраландим. Ғалабадан кейин қишлоғимга қайтиб, агрономлик қила бошладим...

Ўтган асрнинг 50-йилларида Карим ота Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги жамоа хўжаликларидан бирида озгина майдонда помидорнинг «Чудо-ринка» ва «Марглов» навларини экди. Европадан келтирилган бу навлар иссиққа, касалликларга жуда бардошсиз бўлиб чиқди. Шундан сўнг ота ҳар икки навни дурагайлаш асосида, халқ селекцияси йўли билан етти йилда янги помидор навини яратди. Унга ўз номини отанинг ўзи қўймади. Уруғини дастлаб деҳқонлар селекциячисидан илтимос қилиб олиб кетиб юришди ва кўп ўтмай одамларнинг ўзлари уни «Юсупов» помидори, деб атай бошладилар.

1960 йилдан бошлаб, янги нав уруғи Ўзбекистон сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида кўпайтирилиб, республика хўжаликларига кўплаб экиш учун тавсия этилди. Агроном Карим Юсупов мазкур институтнинг уруғчилик бўлимига ишга таклиф қилинди. 1967 йил у ўзи яратган навга муаллифлик гувоҳномаси олди. Янги нав помидорга берилган таърифга биноан: **«Юсупов» помидор нави бироз кеч пишар, серҳосил, йирик мевали. Бир дона меваси ўрта-ча 700-800 грамм, баъзи йирикларининг вазни 1-1,5 килограммгача боради. Меваси хушхўр. Бир тупидан ўрта ҳисобда 8-10 кг, гектаридан 30-33 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Пишган мевасида 5-6 фоиз қанд, кўп миқдорда С витамини бор...»**

Кўп ўтмай ўзбек селекциячиси яратган помидор нави ҳақида нафақат Ўзбекистон матбуоти, балки собиқ иттифоқнинг марказий газеталарида ҳам ёзишди. Шундан кейин «Юсупов» помидор навининг дунё бўйлаб «саёҳати» бошланди. Ўша пайтларда Карим ота жами 18 та мамлакатдан ҳар куни ўртача 20-25 тагача мактуб оларди:

«Мен... «Мўъжиза-помидор» номли хабарни ўқидим... Сиздан «Юсупов» помидори уруғидан юборишингизни ўтиниб сўрайман. Шунинг билан бирга уни қай пайт, қандай экиш лозимлиги ҳақида ҳам қисқача маълумот ёзиб юборсангиз.

И.БУРМИСТРОВ,
Рязань вилояти, Спасск тумани, Огородников посёлкаси.»

«Қадрли ўртоқ Юсупов. Ҳеч бўлмаса беш дона помидор уруғидан юборишингизни илтимос қиламан. Мен улардан бу ерда, Шимолий Кавказда помидор етиштириб, помидорингизни оммалаштираман, токи бу ерда ажойиб олим Карим Юсуповни ҳамма билсин.

Я.Л.ҒЛАДКИХ,
Ростов вилояти, «Табиат» жамиятининг аъзоси».

«Ҳурматли ўртоқ Юсупов!

Помидор навингиз уруғларини олдим, бунинг учун сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Тажриба тариқасида тупроқ таркиби ҳар хил бўлган турли туманлардаги таниш агрономларга бир нечтадан уруғ юбордим.

Кузда «Юсупов» помидори бизнинг шароитда қандай ўсаётганлиги тўғрисидаги барча маълумотларни сизга юбораман.

Ҳурмат билан,

Л.В.КУЗЬМИНА,
Мордова Республикаси, Саранск шаҳри».

Айрим конвертлар устига «Академик К.Юсуповга», «Профессор К.Юсуповга» деб ёзилганлари ҳам бор. Аслида Карим ота академик ҳам эмас, профессор ҳам, оддийгина ўзбек селекциячиларидан бири. Ҳатто ўзининг ажойиб томатлари ва тузламалари билан машҳур бўлган Болгариянинг Черпан шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтининг директори, таниқли биолог Родислав Радев ўзбек селекциячиси билан танишгани ва суҳбатлашгани Тошкентга келди. Прагалик селекциячиси Ева Трончикова эса у кишига ёзган мактубида уни «машҳур ўзбек сабзавотчиси» деб атади...

1967 йилда Монреал (Канада)да бўлган «Экспо-67» кўргазмасида ҳар донаси 1,200-1,250 граммдан келган Карим Юсупов помидорлари фахрий соврин билан тақдирланди.

Хуллас, биз билган ва билмаган тарих — «Юсупов» помидори навининг йўли қисқача шундай. Халқ селекциячиси, таниқли мутахассис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном — Карим Юсупов ҳозир қарилик гаштини суриб, ажойиб фарзандлари ва набиралари қуршовида яшамоқда.

Умрингиз узоқ бўлсин, ота.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ



ТАСОДИФ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Лондон полицияси 21 июль куни метронинг уч бекатида портлашларни амалга оширган тўрт нафар жиноятчини қидирмоқда.

Гувоҳлар портлашлардан олдин метродан қочиб чиқиб кетаётган икки нафар эркакни кўришганини айтишмоқда. SkyNews хабарига кўра, экспертлар Лондонни икки ҳафта олдинги воқеалар такрорланишидан тасодиф қутқариб қолганини айтишмоқда. Чунки бу safar қандайдир сабаб туфайли бомбаларнинг ўзи эмас детонаторлар портлаган. Бунинг оқибатида Warren Street метро бекатида бир одам жароҳат олган.

Бу ҳаракатлар учун ҳеч бир террорчилик ташкилоти жавобгарликни олгани йўқ. Айни бу пайтда 7 июль кунги ҳунрезликларни амалга оширган гуруҳ ёки ўша ҳаракатни қайтармоқчи бўлган радикаллар уриниши деган тахминлар бор.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

Кения парламенти конституция лойиҳасини имзолади. Унга кўра, ижро ҳокимиятининг катта қисми президент Мваи Кибаки қўлида қолади. Лойиҳага қарши чиқаётганларнинг фикрича, бу президентга катта ваколатлар беради.

Шу йилнинг кузида конституция лойиҳаси бўйича референдум ўтказилади.

Бундан бир неча кун илгари эса Кения пойтахти Найробида президентнинг конституциявий ислоҳотларидан норози кишилар билан полиция хизматчилари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Намойишчилар конституция лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтаётган парламент биносига кирмоқчи бўлишган. Тўқнашувлар оқибатида бир одам ҳалок бўлди.

ИСРОИЛГА ТАШРИФ

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Исроилга ташриф буюрди. У бош вазир Ариэль Шарон ва ташқи ишлар вазири Сильван Шалом билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларнинг бош мавзуи август ойи ўрталарига мўлжалланган Ғазо минтақасидан Исроил қўшинлари ва турар-жойларини олиб чиқиш амалиёти бўлди.

Бундан ташқари у Рамаллоҳда Фаластин муҳторияти етакчиси Маҳмуд Аббос билан ҳам учрашиш ниятида.

ДИПЛОМАТЛАР ХАВФ ОСТИДА



Боғдодда икки нафар жазоирлик дипломат ўғирлаб кетилди. Жиноятчилар уларга ресторандан чиқишда ҳамла қилишган.

Июль ойининг бошида Ироқда Миср элчиси ўғирлаб кетилиб, ўлдирилган эди.

Мутахассислар фикрича, жангарилар Ироқнинг янги ҳукумати жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинишига тўсқинлик қилиш учун ҳам қурбон сифатида дипломатларни танлашмоқда.

ЮАННИНГ ҚИЙМАТИ ОШДИ

Хитой охирги 10 йил ичида ўз миллий валютаси — юан қийматини оширди. Бу ислоҳотлар халқаро ҳамжамиятнинг танқидий ёндашувига жавобан амалга оширилди.

Янги қоидаларга асосан юан қиймати фақат долларга нисбатан эмас, балки бошқа валюталарга ҳам боғлиқ ҳолда белгиланади. Бу эса юан қийматининг долларга нисбатан 2,1 фоиз ўсишини таъминлайди.

Дунёнинг бир қатор мамлакатлари юан қиймати Хитойда сунъий равишда пасайтирилиб қўйилганидан норози эдилар. Уларнинг фикрича, бу хитойлик экспортчиларга катта афзалликлар яратар экан.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИ

«REAL MEGAPOLIS»

2005 йил 24,31 август ва 7,14,21 сентябрь кунлари соат 10.00 да кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан тақдим этилган «OSIYO FOOD» ҲЖ корхонасига тегишли Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Чилонзор 26-даҳасида жойлашган:

1. 4 қаватдан иборат маъмурий бинонинг 1- ва 3-қаватлари, бошланғич нархи — 38 050 603 сўм.

2. Ишлаб чиқариш биноси, бошланғич нархи — 304 703 586 сўм.

3. Кичик маъмурий бино, бошланғич нархи 3 339 126 сўм ва экспедитор хонаси, бошланғич нархи — 1 089 906 сўм.

4. Омборхона биноси, бошланғич нархи — 44 996 836 сўм.

5. Савдо мажмуаси биноси, бошланғич нархи — 27 991 027 сўм.

6. Ун омбори биноси, бошланғич нархи — 9 681 052 сўм.

7. Қоровулхона биноси, бошланғич нархи — 401 591 сўм.

8. Омборхона биноси, бошланғич нархи — 2 470 966 сўм ва ёрдамчи қурилмалар иншооти, бошланғич нархи — 2 688 897 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уй.

Телефонлар: 398-88-14, 398-88-15.

Ташкилотнинг гувоҳномаси №000663

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

кафолатли хизмат кўрсатиш муддати камида уч йилга тенг бўлган дастурий таъминот ва бетўхтов электр таъминоти манбалари билан биргаликда персонал компьютерлар ва лазерли принтерлар етказиб беришга тендер эълон қилади

Тендерда қатнашиш учун IBM, HP/COMPAQ, Dell компьютерлари ва HP, APC, Tripplite офис жиҳозлари улгуржи савдоси билан шуғулланадиган хорижий ва маҳаллий компаниялар таклиф этилади.

Тендерда иштирок этмоқчи бўлган компаниялар Ўзбекистон бозорида ўзини кўрсатган, компьютер, лазерли принтер ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларга ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб бериш ваколатига эга бўлишлари керак. 2005 йил 23 июль кунидан бошлаб компаниялар тендер ҳужжатларини (ТҲ) ишчи гуруҳ манзили бўйича олишлари мумкин, бунинг учун улар ТҲ олиш ишончномасини ва қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамларига қайтариб берилмайдиган 150 АҚШ доллари миқдорида маблағни ёки пул ўтказиш вақтида Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича унинг эквивалентини тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжатини тақдим этишлари лозим:

— тўловни АҚШ долларида амалга ошириш: 21506840000100001005 Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаси ҳисоб-касса маркази, МФО 00014, ИНН 201122919

BANK OF BENEFICIARY: CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
SWIFT CODE: CB UZUZ 22
Corr. Acc. 36115651
CITIBANK, NEW YORK
SWIFT: CITI US 33

— тўловни миллий валюта сўмда амалга ошириш: 21506000600100001013 Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаси ҳисоб-касса маркази, МФО 00014, ИНН 201122919.

Тендер ҳужжатларини олиш учун Тендер Ишчи гуруҳининг манзилига мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7
Ўзбекистон Республикаси Ахборот-ҳисоблаш маркази (505-хона).
Тел./факс.: 139-89-94, 139-13-51.

Тендер таклифлари юқорида айтиб ўтилган манзил бўйича 2005 йил 23 август соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун тендер иштирокчилари буюртмачининг ҳисоб рақамига 6 000 АҚШ доллари (ёки МБ курси бўйича унинг эквиваленти) миқдорида депозит ўтказишлари керак.

Етказиб бериш шартлари: хорижий етказиб берувчилар учун С.I.Р., маҳаллий етказиб берувчилар учун эса D.D.P. Тошкент (Инкотермс 2000 таҳрири) шартлари бўйича.

Барча жиҳозларни етказиб бериш муддати — тузилган шартнома юридик кучга кирган вақтдан бошлаб 60 календарь кунидан ошмаслиги керак.

Тендерда иштирок этадиган компанияларнинг дастлабки малакавий саралаш босқичи 2005 йил 24 август соат 11.00 да Ишчи гуруҳ манзилида ўтказилади.

ТЕНДЕР ИШЧИ ГУРУҲИ

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

«ЖИЗЗАХАВТОЙЎЛ» ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ҲУДУДИЙ ШЎЪБА ТАШКИЛОТИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«М-39 «Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг 1015 км. қисмида Сангзор дарёси устидан ўтган кўприкни кенгайтириш».

Қурилиш муддати — 12 ой.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Пахтакор кўчаси, 10-уй. Тел.: 224-04-57. Факс: 224-14-38.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: махсус лицензияга, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Янги шеърлар

МЕНГА МАДАД БЎЛДИ ЭЗГУЛИК ҲАР ДАМ

УМИД

Халқ ичида гап бор — ноумид шайтон.
Аммо бундай демоқ айтишга осон!
Шайтон макр ишлатиб урса йўлингдан,
Эй банда, не чора келар қўлингдан.

Шайтон умидимни пучга чиқариб,
Солмоқчи бўлганда измига ҳатто,
Кўз олдимда умид чироғи ёниб,
Ўзин паноҳида сақлади Худо.

Ҳасад қуюн каби тўсиб йўлимни,
Орада илондек ўрлаган замон,
Ноумид бўлмадим, халқим меҳрини,
Фақат меҳнатимни этолдим қалқон.

Баъзида меҳримга топдим хиёнат,
Баҳор гулларига қор ёғди гоҳо.
Музларни эритиб меҳр, диёнат,
Неъматдан бебаҳра қилмади дунё.

Нолиб яшамадим ҳаётдан асло,
Ахир дейилган-ку ноумид шайтон.
Жилва қилиб турди кўзимга дунё,
Қилинган чоғимда хўрланиб, зиндон:

Менга мадад бўлди эзгулик ҳар дам,
Ноумид узмадим кўнгил дунёдан.
Алдашини шайтон, умидни мен ҳам
Қўймадим, ким енгар, энди, Худодан!



ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН

Дилингни ёрасан баъзида ёниб,
Дўст, душман борлигин баъзан қилмай фарқ.
О, дардинг бўғзингга келгач тўлғониб,
У қаърига тортиб сени қилар ғарқ.

Кимдир ҳамдард бўлар сенинг дардингга,
Кимдир ваҳма солар хавфу хатардан.
Оқшом билан куннинг етмай фарқига
Гангиган кимсадек қўёш ботарда.

Гина йўқ. Бандасин яратган ҳар хил,
Бирин эркак қилиб, бирини аёл.
Бирин ваҳма қилиб, бирини шоир,
Ахир, ҳар каллада ҳар турли хаёл.

Ваҳма қайтаради борар йўлингдан,
Қўлинг ишга, оғзинг бормайди ошга.
Не келса шуни қил, келса қўлингдан,
Чора йўқ ўзингга ишончдан бошқа.

МЕНИНГ ЎЙЛАРИМ

Баъзан сескантирар қўрқинчли хаёл,
Тун кириб келгандек босади ваҳма.
Дардимни ҳис этиб уйғонган шамол,
Таскин бермоқ бўлиб бошлайди боққа.

Кўнглимда недандир ташвишли соя,
Қафасдаги қушдек кўнгил безовта.
Кенг осмон соҳиби, соҳиби қоя,
Бургут назаримда чиқади овга.

Ногоҳ кўкни тутар тўзғиган патлар,
Димоққа урилар илиқ қон иси.
Бургут ғолибона кўкда чарх урар,
Кимнингдир жарликдан келар йиғиси...

Гулзорларда тинар қушнинг куйлари,
Ҳамон қарор топмас менинг ўйларим.

Кимдир дардларимни ҳикматга йўйиб
Ҳатто қиёс қилар мумтоз қўшиққа.
«Қандай бўлар...» дейди бири ўйланиб
Бутун умидларни чиқариб йўққа.

Пайдо бўлган шеър жилғадек ногоҳ
Кўчирилмай қолар ваҳмадан оққа.
«Қандай бўлар экан» дейилган оҳ-воҳ
Шояд бўлиб қолса ўткинчи ваҳма!

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

ЯХШИЛИК УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

ҒИЖДУВОН ТУМАНИДАГИ БУКТАРОЙ ҚИШЛОҒИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН 102 ЁШЛИ ЗИЁДА БУВИ ҲАКИМОВА БУ ГАПНИ ҚИШЛОҚДОШЛАРИ ДАВРАСИДА БОТ-БОТ ТАКРОРЛАБ ТУРАДИ

Инсон саломатлигини яхшилаш, айниқса, узоқ умр кўриш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бировлар ҳафта-ўн кунлаб оч юрса, яна бировлар қишда музни ўйиб, сувга шўнғийдилар. Айримлар спортни узоқ умр кўришнинг асоси деб билсалар, бошқа бировлар жисмоний меҳнатнинг афзалликларини тарғиб қиладилар. Бундан ташқари, орамизда соғлом бўлай, узоқ умр кўрай деб гўшт истеъмол қилмайдиганлар, тузсиз овқат, фақат кўкат ва пиширилмаган маҳсулотлар тановул қиладиганлар ҳам учраб туради. Зиёда буви эса узоқ умр кўриш учун булар камлик қилишини, бу аввало Яратганга боғлиқлигини таъкидлайди.

— Ҳамма ҳам юз ёшга кираверемайди, болам, — деб гап бошлади буви. — Бу тақдир қилганга насиб этади. Мен ҳеч қачон парҳез қилган одам эмасман. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биз кўрган замонлар оғир, меҳнати қаттиқ эди. Борига шукр қилардик. Сабр-бардош, ирода бутун бўлса, мудом яхшилик ҳақида ўйласанг, яхшиликка интилсанг, узоқ яшаркансан киши. Ҳа, болам яхшилик умрни узайтиради.

Суҳбатимиз шу ерга келганда онахоннинг невараси олдимизга бир даста суратларни қўйди. Унга назар ташладик. Зиёда буви турмуш ўртоғининг суратини қўлига олиб сукут сақлаб қолди, кўзига ёш қалқди.

— Эллик бир ёшимда чолимдан айрилганман, — дея изоҳ берди буви. — Жуда яхши одам эди. Ўн бир фарзанд кўрдик. Уруш даврида 4 ўғил, 3 қиздан айрилдик. Иккита акам урушдан қайтмади. Рўзғоримизда бирор марта ҳам жанжал, нотинчлик бўлганмас. Ахир, эримнинг ҳурматини жойига қўйсам, хушмуомала бўлсам сан-манга ўрин қоладими, болам? Ёмон яшамадик.

Онахоннинг юз-кўзида йиллар сурони ўз изини қолдирган. Пешонасидаги ажинлар, меҳнатдан ғадир-будур бўлган қўллар нене машаққатлардан сўзлаётгандек. Ахир, пахта, буғдой, беда етиштиришнинг ўзи бир машаққат эди, ўша таҳликали йилларда. «Ҳамма нарса — фронт учун» деган шиор барчанинг тинкасини қуритгани-чи? Урушдан кейинги йиллар азоби, бева қолган жувонлар изтироби, «қора хат» олган оналар фарёди, дилидаги жароҳати узоқ йиллар битмагани... Ҳамма-ҳаммасига онахон гувоҳ, ҳамдард, елкадош. Орттирса бир бурда нон, топмаса тасалли билан ҳамқишлоқларига суянч бўлди. Ўз ғамини ичига ютди, болаларини бокди, бағрига босди, кам бўлмади.

— Чинданам онахон қишлоғимиз фахри, — деди Буктарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нажмиддин Бобоев. — У киши катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Шунга қарамай, жуда тетик, ҳаракатчан. Касбим шифокор бўлгани учун онахондаги кўнгли очиқлик, ғоҳдалиқни, ширинсўзликни жуда қадрлайман. Бу ёшдаги табаррук онахонлардан Хуррам Абдуллаева, Бегим Ашурова, Баҳра Латиповалар ҳам элимиз ардоғида. Улар ҳақиқий пиру бадавлат, бахтли инсонлар.

— Қайнонам гулларни яхши кўрадилар, — дейди онахоннинг келини Гулчеҳра Абдуллаева. — Шу боис ҳовлимиз нақ гулзорнинг ўзи. Айниқса, чиннигул, атиргул у кишининг жони дили. Уларни ўзлари парваришлайдилар. Умрим мактабда болаларга таълим-тарбия бериш билан ўтган, ҳозир пенсияда бўлсамда, қайнонамдан сира узоқлашгим йўқ. У киши мудом маслаҳатгўйимиз, оиламиз фариштаси.

Ўн бир нафар невара келини, 18 невараси, 12 эвараси, кўплаб чевараси бор Зиёда буви Ҳакимовадан армонингиз борми, деб сўраганимизда онахон бош силкиди ва қўшиб қўйди:

— Шу ёшга етдим, шу кунларни кўрдим. Атрофимда шунча болаларим парвона. Фақат худога шукр дейман. Юртимиз тинч бўлса, болаларим омон бўлса, бас. Худога шукр кўзим равшан, қўлоғим очиқ. Телевизор кўраман, радио эшитаман. Ёмон одамлар ҳалиям бор, болам Худо жазоларини бераяпти уларни. Ёмон ўз бошига ўзи етади. Яхшиликни ўйлаган яхшилик топади.

Бу катта оиладан онахон дуосини олиб ортга қайтарканмиз, кўнглимиз равшан тортди. Ўзбекистонимизда бундай оқил-доно, пиру бадавлат онахонлар бор экан, меҳр-оқибат боқий бўлаверади. Уларнинг эзгу ўгитларига амал қилиб вояга етаётган фарзандлар албатта Ватан корига ярайдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: *Зиёда буви Ҳакимова ўғли Усмонжон, келини Гулчеҳра Абдуллаева ва невараси билан.*

Таълим ва ислоҳот

ЁЗГИ ТАЪТИЛ, БОЛА ВА БЎШ ВАҚТ

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 1181 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 800 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Ёшларни турли машғулотларга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида айни пайтда жамоатчилик томонидан қатор ишлар қилинмоқда.

Яқинда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳар бир ўқувчини спорт ёки санъат тўгарагига жалб этиш ташаббуси билан чиқди. Халқ таълими ходимлари буни қўллаб-қувватлашди, ҳамкорликда иш бошланди. Пайариқ ва Булунғур туманларида «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида кўргазмали семинар ташкил этилиб, унда ёшлар онгида маънавий бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шу боис таътил даврида болаларнинг фойдали машғулот билан шуғулланишларини таъминлаш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

— Ёзги таътилда ўқувчиларни турли тўгаракларга жалб этиш, уларга ҳунар ўргатиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди вилоят ҳокимининг таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси Иброҳим Раупов. — Фойдали машғулот билан банд бўлган ёшлардан эса ёмонлик чиқмайди. Бола жамоатчиликка ўрганади, маънавий тарбия олади. Шу боис ушбу ташаббусни барча таълим муассасаларида кенг ёйишга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, бугун вилоятнинг кўпгина туманларидаги ижодиёт уйлари, мусиқа мактаблари, спорт-соғломлаштириш марказлари-ю кутубхона, стадионлар болалар билан гавжум. Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабида олиб борилаётган ишлар айниқса қувонарли. Бу ерда таҳсил олувчи икки мингга яқин ўқувчининг аксарияти ҳозирги пайтда турли тўгаракларга жалб этилган. Эътиборли жиҳати, тумандаги 99 та мактаб ҳамда ўндан ортиқ мактабдан ташқари таълим муассасаларида бундай тўгаракларга малакали мутахассис-педагоглар бириктирилган. Бу эса дам олишни мазмунли ташкил этишда ўз самарасини бермоқда.

Юқоридаги ташаббусни булунғурликлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Мутасаддилар ишга астойдил киришишди. Биз тумандаги 9-сонли болалар мусиқа мактабида бўлганимизда, бу ерда ўқувчилар учун санъат ва мусиқа бўйича ўндан зиёд тўгараклар фаолият кўрсатиб турганига гувоҳ бўлдик.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйидаги ҳар бир тўгаракка йигирмадан зиёд ўқувчи қатнайди. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Диёр», «Олимпия» ўйингоҳлари ҳамда «Алпомиш» спорт-соғломлаштириш марказига ҳар куни тўрт мингдан зиёд ёшлар келиб, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис, сузиш, кураш, бокс, бадиий гимнастика каби турлари билан шуғуланмоқда.



— Инсон ҳаётининг энг масъулиятли палласи болалик давридир. Бола ҳамиша тарбияга, эътиборга муҳтож. Демак, ёзги таътилда уни фойдали ишга жалб этиш ниҳоятда муҳим, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Эгамберди Мамараҳимов.

Туманда фақат марказга яқин жойларда эмас, балки чекка қишлоқ мактабларида ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Бу борада 35-умумтаълим мактабида қилинаётган ишларни алоҳида тилга олса арзийди.

— Мактабимизда йигирмадан ортиқ тўгарак фаолият кўрсатмоқда, уларда мингга яқин ўғил-қиз шуғулланмоқда, — дейди информатика фани ўқитувчиси Т.Туронов. — Ҳар куни эрталаб ишга келганимда машғулот билан банд бўлган ўқувчиларни кўриб хурсанд бўламан. Чунки, ўқувчиларимиз компьютерда ишлашга жуда қизиқишади. Ҳозирнинг ўзида бу ерда 30 нафар ёш компьютер сирларини пухта ўрганмоқда.

— Бу ташаббус вилоятда тез оммалашди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов. — Ходимларимиз ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун ўқитувчи ва ота-оналарга яқиндан кўмак беришаётир. Мақсадимиз ҳозирча ёзги таътилда, сўнгра мунтазам равишда ҳар бир болани спорт ёки мусиқа тўгарагига қатнашишини таъминлашдан иборат. Агар биз бошлаган ишимизни дадил давом эттирсак, мақсадимизга албатта етамиз.

Булунғур ва Пайариқда ўтган семинарлардан шундай хулосага келиш мумкин: болаларни ёзда бекорчи бўлиб қолмаслиги учун фақат ёзги оромгоҳларда эмас, балки мактабнинг ўзида ҳам ҳар хил тадбирлар ўтказиш, ёшларни тўгарак ва спорт майдонларига жалб этиш орқали таътилни мароқли ўтказса бўлади. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам яратиш мумкин. Фақат мутасаддиларнинг хоҳиш ва ташкилотчилигига боғлиқ.

Акрам ҲАЙДАРОВ,
Ҳусниддин ХОЛДОРОВ

Интер-спорт

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШГА ДАЪВОГАРЛАР

2012 йили ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг финал қисмини ташкиллаштиришга даъвогар мамлакатлар таклифларини қабул қилиш якунланди. УЕФА Украина ва Польша футбол федерацияларидан таклифни қабул қилди. Айни пайтда Хорватия, Венгрия, Италия ва Греция футбол федерациялари ҳам чемпионатни ўтказиб беришга тайёр эканликларини билдирди. Украина футбол федерацияси, шунингдек, 2008 йили ёшлар ўртасида уюштириладиган қитъа футбол чемпионатига ҳам даъвогарлик қилмоқда. Ёшлар ўртасида ўтказиладиган Европа футбол чемпионатига эса таклифлар 31 июлгача қабул қилинади.

МУРАББИЙНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ



Мексикада етакчи футбол клубларидан бирининг мураббийи ўғирланган. «Крус Асуль» футбол клубига 2004 йилдан бери бошчилик қилаётган аргентиналик Омар Романо жамоа мавқеини мустаҳкамлаб, пешқадамлар сафида бўлишига эришган эди. Маълумотларга қараганда мураббийни клуб машқ майдони атрофида ўғирлашган. Қуролланган кимсалар мураббийни машинага тиқиб, кўздан ғойиб бўлишган. Мексика пойтахти мэри Мануэль Лопес Обрадор уни шикатсиз топиш учун барча тадбирларни амалга оширишини айтмоқда. Аммо, полиция 47 ёшли Омарни топиш бўйича ҳозирча аниқ маълумотга эга эмас. Маҳаллий радиостанция эса черковда мураббий учун 5 миллион песо (470 минг долларга яқин) пул талаб қилаётганлиги ёзилган қоғоз топилгани ҳақида хабар тарқатган. Мураббийнинг ойлик иш ҳақи эса 100 минг доллар эди. Буёғи нима бўлишини эса вақт кўрсатади.

Биз билган ва билмаган тарих

ХОН САРОЙИДАГИ ФОЖИАЛАР

ЁХУД 1910 ЙИЛИ ХИВАДА САЙИД ИСЛОМХЎЖА ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШМАЙ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА

Бунинг устига 1914-1915 йилларда туркман уруғлари орасидаги бебошликлар, 1916 йил қўзғолони оқибатида мамлакатда вазият янада мураккаблашди. Бунга қадар Исломхўжа бошчилигида Хива шаҳрида касалхона ва почта-телеграф бинолари қурилиб, ишга туширилган эди. Катта каналлар устига темир кўприклар қурилиши бошлаб юборилганди. Қурилган 50 ўринли шифохона яхши ускуналар билан жиҳозланган, кўз, жарроҳлик, таносил, ички ва қуйдирги каби касалликлар даволанарди. Амбулаторияда эса иккита бўлим фаолиятини бошлади.

Шифохона очилиши аҳоли томонидан яхши кутиб олинди ва унда даволанувчилар сони кўпайиб борди. 1913 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида фақат амбулаторияга мурожаат қилган беморлар 10 минг 909 нафар киши эканлиги қайд қилинган. Шундан 4 минг 747 нафари хотин-қизлар бўлган. Тез орада дорихона ҳам ишлай бошлайди. Хивада ҳам дорихона очишга келишиб олинади.

Ислоҳотда хонликдаги ўқув ишларига ҳам катта эътибор берилиб, бу соҳада муҳим тадбирлар амалга оширила бошланган эди. 1911 йили Исломхўжа ўз саройида янги усул мактаби очди. Унда 6 ёшдан ўқувчилар қабул қилиниб, диний таълимот билан бирга арифметика, хуснихат, Хиванинг қисқача тарихи, жўғрофия, чизмачилик, рус тили ва қурилиш ишлари юзасидан дарслар олиб борилган. Янги усул мактаблари 1910 йилда Гурланда, Шохободда ва Янги Урганч яқинидаги Чандир-Қиёт қишлоқларида ҳам очилади.

1912 йилда Исломхўжа 80 талабага мўлжалланган мадраса, унинг ёнида янги усулдаги мактаб учун бино қурдиради. Унинг ташаббуси билан 1910 йил охиридаёқ гимназия қурилишига киришилган эди. Бу гимназияда ўқиш 5-7 йилга мўлжалланган бўлиб, унга 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган хон фарзандлари, амалдорлар ва катта савдогарларнинг болалари қабул қилиниши кўзда тутилганди. Хонликда камбағал ва ўртаҳол фуқаролар болаларига билим беришга мўлжалланган семинария ҳамда икки синфдан иборат билим юрти очиш режалаштирилган эди.

Кўриниб турибдики, Сайид Исломхўжа раҳнамолигида мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маърифий қолоқликдан чиқариш учун муҳим қадамлар қўйилган эди. Афсуски, қисман бўлса ҳам янгиланиш, тараққиёт, тинчлик ва феодал-монархия тизимидан чиқиш йўлидаги бу эзгу ҳаракатлар барбод бўлди.

Айни замонда чор ҳукмронлиги шароитида бу ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Улар томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати бунга йўл қўймасди. Шундай бўлдики, чор амалдорлари халқлар орасига ўзаро нифоқ солиб, хон саройидаги гуруҳбозлик, иғво ва фитналарни ҳар хил йўллар билан қувватладилар. Оқибатда ислоҳот етакчиси Исломхўжа яккаланиб қолди ва қурбон бўлди.

Буларнинг ҳаммаси хон амалдорлари зулмидан азоб чекаётган фуқаролар аҳволини янада оғирлаштирди ва Хоразмда 1916 йил февралида юз берган миллий озодлик ҳаракатига олиб келди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Хива хонлигидаги ислоҳотлардан чор амалдорлари мустамлакачилик манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар. Ислоҳот дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга киришиш жараёнида чор Россиясининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазири, хонликдаги саноат, савдо, банк капиталлари вакиллари ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда таклифлар киритдилар. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан 1910 йил сентябрида ўтказилган кенгашда Хива хонлиги волост ва уездларга бўлинади. Уни бошқаришда эса қуйидаги тартиб жорий этилади: яъни хон ҳукмронлиги сақланиб қолган ҳолда унинг қошида ер, солиқ, ирригация ишларини назорат этувчилар тайинланади. Ҳокимларни генерал-губернаторлик рухсати билан қўйиш қатъий белгиланади. Шунингдек, туркманлар устидан хон бошқаруви бекор қилиниб, уезд бошлиғи ихтиёрига ўтказилади. Хонликда Хива тангаси муомаладан чиқарилади ва уни зарб қилиш ман этилади. Бу мажбурий таклифлар ич-ичидан нураб бораётган хонлик томонидан сўзсиз қабул қилинади.

Бундан кўзланган мақсад эса Хива хонлигини бутунлай тугатиб, бошқарувни ўз қўлларига олиш эди. Мабодо, хон бунга рози бўлмаса, хонлик устидан сиёсий назорат ўрнатиш мўлжалланган эди.

Мустамлакачиларнинг разилона мақсади советлар тузуми даврида янада авж олди. Бунга қарши яна 70 йил курашишга тўғри келди.

(Давоми бор).

Отамурод ҚЎШЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

«Узкоммунмаштаъминот» ОАЖ маъмурияти, Юнусобод тумани ҳокимининг 2001 йил 22 майдаги 852-сон қарорига асосан «O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT» ochiq aksiyadorlik jamiyati деб рўйхатга олинганлиги ва умумшаҳар реестрига киритилганлиги ҳақида 2001 йил 22 майдаги Реестр сони- 10-002030/1/2 бўлган, Юнусобод туман ҳокимияти томонидан берилган Давлат Далолатномаси йўқолганлигини маълум қилади».

Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти томонидан 1984 йилда Атабаева Сабоат Обид қизи номига берилган ИВ-1 296367 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Xurshid RAUPOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

F — 655
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti 22.30
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda